

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQKAMASINING  
QARORI**138 Республиканинг санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш механизмини янада такомиллаштириш, уларда талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Республиканинг санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва меҳнатига ҳақ тўлаш механизмини янада такомиллаштириш, шунингдек меҳнатнинг пировард натижалари учун уларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарори билан 2014-2015 йилларда республика шаҳарларида санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларни ҳамда туманларнинг ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника билан жиҳозлаш дастурлари тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2015 йил 1 апрелдан бошлаб:

Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ҳамда ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш участкалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткаси 1-иловага\* мувофиқ;

Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича давлат ихтисослаштирилган ташкилотлари ҳамда ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш участкалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ходимларни моддий рағбатлантиришнинг ушбу қарорда назарда тутилган тизимини нодавлат санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотларига татиқ қилиш тавсия этилсин.

3. «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг янги механизмини жорий этиш тартиби бўйича 2015 йил март ойида жойларда семинарлар ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази:

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан биргалик-

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

да чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари механиклари, техниклари ва ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича базавий ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2015/2016 ўқув йилидан бошлаб тегишли моддий-техника базага эга бўлган касб-хунар коллежларида чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари механиклари, техниклари ва ҳайдовчиларини тайёрлашни ташкил этсин.

5. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан келишган ҳолда 2015 йил сентябрь ойигача ҳар бир вилоят марказида биттадан касб-хунар коллежи ўқув чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари, ушбу автотранспорт воситаларини бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган макетлар ва стендлар билан жиҳозланишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарорининг 7-бандига қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ҳамда ободонлаштириш бошқармалари махсус автотранспортни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида рўйхатдан ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим тўлашдан озод қилинсин».

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**  
**Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 26 март,  
68-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 26 мартдаги 68-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича давлат  
ихтисослаштирилган ташкилотлари ҳамда ободонлаштириш  
бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш  
хизматлари кўрсатиш участкалари ходимлари меҳнатига ҳақ  
тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом санитария жиҳатидан тозалаш бўйича давлат иختисослаштирилган ташкилотлари ҳамда ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш участкаларининг (кейинги ўринларда санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари деб аталади) бошқарув ходимлари, муҳандис-техник ходимлари ва хизматчилари, махсус чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари ҳайдовчилари, махсус механизмлар ва техника ҳайдовчилари, таъмирлаш ишчилари ва бошқа ишчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашга қуйидагилар қиради:

лавозим маошлари (тариф ставкалари);

лавозим маошларига қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган қўшимча ҳақ ва устамалар;

меҳнатнинг пировард натижаларига кўра белгиланадиган мукофотлар.

3. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширилади.

**II. Лавозим маошлари ва тариф ставкаларини  
белгилаш тартиби**

4. Бошқарув ходимларининг, муҳандис-техник ходимлар ва хизматчиларнинг лавозим маошлари, шунингдек ишчиларнинг тариф ставкалари санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткаси (кейинги ўринларда тариф сеткаси деб аталади) асосида белгиланади, якка тартибдаги ва кўп квартиралли уйлар участкалари назоратчилари бундан мустасно.

5. Штатлар жадвалини шакллантиришда ишчи касблари (мутахассисликлар) бўйича малака разрядлари ва тариф коэффицентлари ишларни сифатли бажариш учун талаб қилинадиган малакадан (касб бўйича ўртача разряддан) келиб чиққан ҳолда белгиланади.

6. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг тармоқ тариф коэффициентлари:

Мехнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланган тариф коэффициентлари;

ишларнинг технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ишчилар тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентлари ҳисобга олинган ҳолда аниқланади.

7. Ходимнинг лавозим маоши (тариф ставкаси) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини тариф сеткасининг тегишли разряди тариф коэффициентига кўпайтириш йўли билан тариф сеткаси асосида аниқланади.

Соатбай тариф ставкаси миқдори ходимнинг лавозим маошини (тариф ставкасини) 6 кунлик иш ҳафтаси асосида иш вақти нормал давом этганда иш соатларининг ўртача ойлик сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

8. Ходимларнинг (тариф ставкалари) лавозим маошлари:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи мувофиқ иш ҳақи миқдорлари оширилганда;

ходим ушбу ташкилотда бошқа лавозимга ўтганда ёки ходимга юқори-роқ малака разряди берилганда ўзгаради.

### III. Қўшимча ҳақ ва устамалар

9. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари ходимларининг лавозим маошига (тариф ставкасига) қўйидаги қўшимча ҳақ ва устамалар тўланади, якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар участкалари назоратчилари бундан мустасно:

иш вақтидан ташқари ва дам олиш, байрам кунларида ишлаганлик учун — соатбай тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда икки баробар миқдорда;

тунги вақтда ишлаганлик учун — соатбай тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда бир ярим баробар миқдорда;

бир йўла бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик ва хизмат кўрсатиш ҳудудини кенгайтирганлик учун — ходим учун асосий касби (лавозими) бўйича белгиланган меҳнат нормасидан ортиқ амалда бажарилган ишлар учун;

санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотидagi иш стажининг узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига (тариф ставкасига) фоизларда ҳар чоракда белгиланган хизмат муддати учун қўйидаги миқдорларда:

Иш стажи	3 йилдан 5 йилгача	5 йилдан 10 йилгача	10 йилдан ортиқ
Лавозим маошига (тариф сеткасига) фоизларда	50	75	100

10. Махсус чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари, юк автомо-

биллари (самосваллар, бензовозлар ва ассенизация машиналари) ҳайдовчиларига уларнинг тариф ставкасига қуйидаги миқдорларда устамалар тўланади:

класслиги учун: 1-классли ҳайдовчиларга — тариф ставкасининг 25 фоизи; 2-классли ҳайдовчиларга — 10 фоизи;

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларидаги жадал шаҳар ҳаракати шароитларида ишлаганлик учун — тариф ставкасининг 10 фоизи;

газ баллонли ёқилғи тизимлари билан жиҳозланган автомобилларда, зарарли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун — тариф ставкасининг 12 фоизи.

11. Махсус чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари ҳайдовчилари ва юкчиларига, махсус техникалар механизаторлари, таъмирлаш ишчилари, пресс-компактерлар ва юклашнинг пастки ҳудудлари операторлари ва юк ортиш станциялари юкчилари, полигонлардаги юкчилар, чиқинди йиғиш шохобчаси операторларига тариф ставкасининг 12 фоизи миқдорида, ассенизация автомашиналари ҳайдовчиларига — ўзига хос меҳнат шароитларида ишлаганлик учун тариф ставкасининг 30 фоизи миқдорида устама белгиланади.

12. Барча ҳолатларда белгиланган қўшимча ҳақ ва устамалар лавозим маошига (тариф ставкасига) нисбатан қўлланилади.

#### **IV. Якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар участкалари назоратчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш**

13. Якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар участкалари назоратчилари меҳнатига ҳақ тўлаш қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун аҳолига ҳисобланган пул маблағлари йиғимининг фоизи нисбатида амалга оширилади.

Якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар участкалари назоратчилари меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтирилган пул маблағларининг фоизи нисбати хизматлар истеъмолчиларига (жисмоний шахсларга) ҳисобланган тўловларни йиғиш даражасига боғлиқ равишда, бироқ қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун истеъмолчиларга (жисмоний шахсларга) ҳисобланган пул маблағлари йиғими 100 фоиз таъминланган шароитларда 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда санитария жиҳатидан тозалаш ташкилоти томонидан мустақил равишда белгиланади.

Тўловлар йиғими (тушумлар) прогнози ҳар ойда санитария жиҳатидан тозалаш ташкилоти томонидан белгиланади ҳамда амалдаги тариф бўйича белгиланган тартибда ҳисобланган қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича истеъмолчиларга (жисмоний шахсларга) кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилинган ойда ҳисобланган тўловларни ўз ичига олади.

Тўловлар йиғими прогнози назоратчининг хизмат кўрсатиш ҳудуди,

шунингдек қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматларга тарифлар ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

14. Якка тартибдаги ва кўп квартиралари уйлар участкалари назоратчилари сонига эҳтиёж ташкилот томонидан белгиланган ва ҳар бир назоратчи учун бириктирилган жисмоний шахсларга (битта назоратчига камида 3000 нафар хизматлар истеъмолчилари ҳисобидан) хизмат кўрсатиш ҳудудларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

#### **V. Ходимларни мукофотлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш тартиби**

15. Ходимларни мукофотлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, харажатларни камайтириш ва ички ишлаб чиқариш захираларининг мавжудлигига боғлиқ равишда умуман санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари бўйича белгиланган кўрсаткичлар бажарилган тақдирда ҳисобот даври учун ишлар натижалари бўйича амалга оширилади.

Ўз функционал вазифаларини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳамда ташкилот фаолияти натижаларидаги қўшилган шахсий ҳисса ходимларга мукофот ҳисоблаш учун асосий кўрсаткичлар ҳисобланади. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилоти ва унинг ходимларининг ҳар бир тоифаси бўйича мукофотлашнинг муайян кўрсаткичлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишув бўйича раҳбар томонидан белгиланади.

16. Мукофотларнинг аниқ миқдорлари мукофотлашга маблағларнинг мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотида тузилган махсус комиссия томонидан белгиланади.

Махсус комиссия таркибига: раҳбар, бош бухгалтер, асосий ишлаб чиқариш хизматлари раҳбарлари, меҳнат жамоаси ва санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари касаба уюшмаси қўмитаси вакиллари киради.

17. Бошқарув ходимлари, муҳандислик-техник ходимлар ва хизматчиларни мукофотлаш ойлик ҳисобот маълумотлари асосида:

юк ташиш прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 30 фоизигача;

даромаднинг прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 30 фоизигача;

санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотининг талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисоб рақамига пул маблағлари тушиш прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун — лавозим маошининг 40 фоизигача амалга оширилади.

Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотининг талаб қилиб олинган асосий депозит ҳисоб рақамига пул маблағлари тушиш прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган ҳолатда бошқа кўрсаткичлар бажарилган тақдирда улар бўйича мукофот 50 фоизга пасайтирилади.

18. Махсус чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари ҳайдовчилари ва юкчиларини мукофотлаш қўйидаги кўрсаткичлар бажарилганда амалга оширилади:

юк ташиш прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги учун — тариф ставкасининг 50 фоизигача;

юк ташиш жадвалига риюя қилинганлиги учун — тариф ставкасининг 30 фоизигача;

транспорт воситасини зарур ҳолатда сақлаганлиги учун — тариф ставкасининг 20 фоизигача.

Юк ташиш бўйича прогноз кўрсаткичлар бажарилмаганда, шунингдек қаттиқ майший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар истеъмолчилари (жисмоний ва юридик шахслар) томонидан берилган икки ва ундан ортиқ асосланган шикоят мавжуд бўлганда мукофот тўланмайди.

19. Хизмат кўрсатиладиган участканинг тозалиги таъминланган ва молиявий имкониятлар мавжуд бўлган шароитларда махсус чиқинди йиғиш ва ташиш автомашиналари юкчиларига тариф ставкасининг 100 фоизигача бўлган миқдорда мукофот тўланади.

20. Ушбу Низомнинг 17, 18 ва 19-бандларида кўрсатилганлардан ташқари бошқа ходимларни мукофотлаш молиявий имкониятлар мавжуд бўлганда, санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотининг талаб қилиб олинадиган асосий депозит ҳисоб рақамига пул маблағлари тушиш прогноз кўрсаткичлари бажарилган ҳамда ходим томонидан иш вақти баланси тўлиқ ишланган шароитларда тариф ставкасининг 100 фоизигача бўлган миқдорда амалга оширилади.

21. Якка тартибдаги ва кўп квартирали уйлар участкалари назоратчиларига белгиланган прогноздан ортиқ тўловлар тушуми (аҳоли бўйича дебиторлик қарзларнинг камайиши ҳисобига) таъминланганда йиғилган дебиторлик қарзлар суммасининг 15 фоизигача миқдорда мукофот тўланади.

22. Маблағлар мавжуд бўлганда ходимларга қуйидагилар тўланиши мумкин:

байрам кунларига мукофот, шунингдек унинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришилган рационализаторлик таклифлари учун бир йўла бериладиган мукофот;

энг кам ойлик иш ҳақи бир бараваригача бўлган миқдорда озиқ-овқатнинг қимматлашиши учун ҳар ойлик компенсация;

меҳнат таътилига тариф ставкасининг бир баробаригача миқдорда қўшимча ҳақ;

айрим ҳолатлар билан боғлиқ равишда (узок давом этган касаллик, оила аъзосининг вафот этиши, никоҳга кириш, бола туғилиши ва бошқа ҳолатлар) бир йўла бериладиган моддий ёрдам.

23. Мазкур Низомнинг 21-бандида назарда тутилган тўловларнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида назарда тутилган тартибда касаба уюшмаси қўмитасининг ташаббуси ёки ходимнинг аризаси бўйича махсус комиссия қарори билан тайинланади.

**VI. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилоти ходимлари  
меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган тартибини  
таъминлаш учун жавобгарлик**

24. Санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотлари раҳбарлари ва бош бухгалтерлари ходимлар меҳнاتини нормалаш ва ҳисобга олишни ташкил этилганлиги, ушбу Низомда назарда тутилган лавозим маошлари ва тариф ставкалари белгилашнинг тўғрилиги, қўшимча ҳақлар, устамалар ва мукофотлар ҳисоблаганлиги учун шахсан жавоб берадилар.